

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2022 йил апрель ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи: судья О.Хасанов, М.Абдуллаеванинг котиблигида, давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи И.Очилдиев ва унинг ҳимоячиси Д.Назирова, жабрланувчи А.Акрамхоновларнинг иштирокида, Очилдиев Илёржон Инамовични айблаш ҳақидаги 1-1506-2201/57-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Очилдиев Илёржон Инамович (Ochildiyev Ilorjon Inamovich), 1980 йил 30 сентябрда Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам:

- 1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2017 йил 26 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан 1 йил 11 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган,
 - жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2018 йил 16 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 11 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган,
 - жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2018 йил 19 октябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан 1 (бир) йил 2 (икки) ой 5 (беш) кун ўталмаган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод этилган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2021 йил 24 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан 2 йил 7 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2021 йил 15 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Фурқат туман ИИО Пробаця гуруҳи инспекторининг 03.02.2022 йилдаги 28/6-310 сонли маълумотномасига



кўра, жазонинг 5 ой 22 кунини ўтаган, 2 йил 6 ой 8 кунини ўтамаган, вақтинча ишламайди, Фурқат тумани Навбахор қишлоғида яшаган, 12.02.2022 йил куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2022 йил 15 февраль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва ҳимоячиларнинг музокара, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи И.Очилдиев хавфли рецидивист бўлгани холда 2021 йил апрель ойида, Бешариқ шаҳар, Сирдарё кўчасида жойлашган фуқаро А.Акрамхоновга тегишли объектда қурилиш ишлари бажаришга оғзаки равишда келишиб иш бошлагани ва А.Акрамхоновни алдаб, уни ишончига кириб, 2021 йил апрель ойидан то август ойига қадар 5 ой давомида “Huaxin” маркали цемент маҳсулотидан 1 тонна, арматура ҳамда ёғоч маҳсулотларидан маълум миқдорда, жами баҳоси 15.000.000 сўмлик мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган ва яшаш уйи бўлган Фурқат тумани, Навбахор МФЙ, Навбахор қишлоғида жойлашган янги қурилиш ишлари олиб бораётган манзилга олиб бориб, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани аниқланди.

Судланувчи И.Очилдиев судда, айбига тўлиқ иқдор бўлиб, у 2021 йил апрель ойида А.Акрамхоновни Бешариқ шаҳар марказида жойлашган 4 қаватли қурилиш иншоатини таниши Зиёдулла билан хизмат хақи эвазига келишган бўлса-да, бироқ қурилиш ишчилари бўлмагани сабабли бу ишни унга айтгани, бинонинг икки этажини қуриш хизматида деб жами 105.000.000 сўм миқдорида пул олгани ва пулларни қурилишда ишлаган уста-шогирдлар билан бўлишиб олгани, у бинони иккинчи қаватдаги бетон ишларини яқунлаб, том плитасини қўйиб берганидан сўнг А.Акрамхонов унга ишчи ходимларни сони кам эканини, иш сустрлашиб кетаётганини айтиб, у билан оғзаки гап таллашиб тортишиб қолгани, шунда унга “кетинглар бошқа уста ишлатаман” деб айтгани ва у қурилишни охирига етказмасдан шогирдларини олиб кетиб юборгани, қурилиш ишлари бўлаётганида А.Акрамхоновнинг укаси Рамзхон қурилишда ишлатиш учун икки машина бўлак-бўлак арматураларни олиб келгани, у Рамзхондан 5-6 дона арматура бўлакларини яшаш хонадонидagi қурилиш учун ишлатишга сўраб олгани, шундан сўнг уйига кетадиган вақтида ўзига тегишли бўлган “Жигули” русумли автомашинани тепа юкхонасига қурилишда ишлатилаётган бир нечта эски



ёғочларни қўйиб, унинг устига етти дона арматураларни юклаб, яшаш уйига олиб кетгани, бундан 2-3 ой аввал А.Акрамхонов ўтган йили кўп миқдорда олган цементининг тагида қолган 5-6 тоннаси қотиб, маълум бир миқдорда сифатсиз бўлиб қолгани сабабли у қураётган бино учун яроқсиз эканини айтиб, унга “арзонроқ нархда танишларизга тарқатиб юборинг” дегани, шунда у А.Акрамхоновга уйда қурилиш қилиши учун бир тонна цемент маҳсулотларини келгусида иш ҳақидан олиб қолишини айтиб олиб кетишни сўрагани ва “Мунис” русумли мотороллерда “Huaxin” номли цементдан бир тонна юклаб яшаш хонадонига олиб кетгани, у А.Акрамхонов билан тортишиб қолганидан сўнг уни устидан ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирда унинг оила аъзолари томонидан жабрланувчи А.Акрамхоновга етказилган зарар тўлиқ қоплаб берилгани, қилмишидан пушаймонлиги айтиб, қонун доирасида енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи А.Акрамхонов судда, у 2021 йил март-апрель ойида Бешариқ шаҳар, Сирдарё кўчасида тадбиркорлик қилиш мақсадида 4 қаватли бино қурилишини бошлагани, ушбу бинони бузилишдан чиққан эски қурилиш материалларини яшаш уйига олиб кетгани, бинони янги қурилишида И.Очилдиев билан келишиб иш бошлагани, лекин қурилиш ишларини охирига етказмасдан кетиб қолгани, 4 қаватли бинони қуриш учун, яъни бинони бетон ишлари, ғишт уриш ва сувоқ ишларини хизмат ҳақини 146.000.000 сўмга келишгани, ҳозир кунга қадар хизмат ҳақи учун жами 115.000.000 сўм миқдорда пул бергани, лекин И.Очилдиев келишилган қурилиш ишларини олиб бормагани, у 2021 йил апрель ойида Бешариқ тумани, Қуйи Зарқайнар қишлоғида яшовчи “Мунис” ҳайдовчиси билан суҳбатлашганида у бир неча ой аввал қурилиш ишлари давомида у курдираётган бино қурилишида қурилиш материалларни ташиганини, бу вақтда 20 қоп цемент маҳсулотини унинг цемент сақлайдиган омборхонасидан И.Очилдиевнинг яшаш хонадонига олиб бориб берганини айтгани, шунда у “Мунис” ҳайдовчиси билан биргаликда И.Очилдиевнинг яшаш хонадонига боргани, у ерда унга тегишли бўлган чойхонадан чиққан, нақшлари бир хил бўлган бир неча ёғоч тахталари, 5-6 қоп цемент маҳсулоти, кўплаб арматураларни кўриб ўзига тегишли эканини таниб олгани, И.Очилдиев унга тегишли объектда қурилиш ишлари бажариш давомида уни алдаб, ишончига кириб, 2021 йил апрель ойидан то август ойига қадар “Huaxin” маркали цемент маҳсулотидан 1 тонна, арматура ҳамда ёғоч маҳсулотларидан маълум миқдорда, жами баҳоси 15.000.000 сўмлик мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритгани, ҳозирда судланувчининг акаси тўмонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Гувоҳ Х.Жуманов судда, бир йилдан буён ўзига тегишли “Мунис” русумли мотороллерида юк ташиш билан шуғулланишини, 2021 йил баҳор фаслида И.Очилдиев унга кўнғироқ қилиб, Бешариқ дехқон бозоридан



Фурқат туманига бир тонна цемент маҳсулотини олиб бориб беришни сўраганида у рози бўлиб, мотороллерга 20 қоп, жами бир тонна цемент маҳсулотини юклаб, Фурқат туман марказига олиб борганида И.Очилдиевни турмуш ўртоғи “Жигули” русумли автомобилда уни кутиб олиб, янги кураётган участкаси томонга йўл бошлаб олиб борганини, бир неча кундан сўнг И.Очилдиев унга цемент маҳсулотини етказиб бергани учун йўл ҳақи эвазига 50.000 сўм пул бергани, орадан вақт ўтиб унга А.Акрамхонов кўнғироқ қилиб, И.Очилдиевга бир тонна цемент маҳсулотларини олиб бориб бергани ҳақида сўраганида у ҳақиқатдан ҳам бозордан 1 тонна цемент маҳсулотини И.Очилдиевни яшаш уйига олиб борганини айтгани, шунда А.Акрамхонов ундан цементларни олиб бориб берган жойга уни бошлаб олиб боришни сўраганида у рози бўлиб А.Акрамхоновни И.Очилдиевни қурилиши битмаган уйига олиб борганини билдирди.

Судланувчи И.Очилдиевнинг айби, унинг жиноий қилмишига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, судда сўралган жабрланувчи А.Акрамхонов ва гувоҳ Х.Жумановларнинг юқорида қайд қилинган кўрсатмаси, шунингдек, А.Акрамхоновнинг аризаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова (и.в.4-9, 19-23), тушунтириш хатлари (и.в.10-15) ҳамда бошқа объектив далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Судланувчи И.Очилдиевнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи И.Очилдиев хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2021 йил апрель ойидан то август ойига қадар А.Акрамхоновни алдаб, қурилиш ишларини олиб бориш жараёнида “Huaxin” маркали цемент маҳсулотидан 1 тонна, арматура ҳамда ёғоч маҳсулотларидан жами баҳоси 15.000.000 сўм миқдордаги мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, қасддан жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида “етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин” деб, 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва



шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” деб, 10-моддасида “Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг:

- 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 3-бандида “Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради” деб;

- 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим” деб, 3-бандида “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонунлар ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи И.Очилдиевга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, 1 нафар фарзанди борлигини, жиноят натижасида етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини ва жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, такроран қасддан янги жиноят содир этганини, шунингдек, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисми моддаси санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Очилдиев Илёржон Инамович (Ochildiyev Pyorjon Inamovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

И.Очилдиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан И.Очилдиевга жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2021 йил 15 июлдаги кунги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган 2 йил 6 ой 8 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида И.Очилдиевнинг 2022 йил 12 февраль кунидан 13 апрель кунига қадар қамокда сақланган 2 (икки) ой 1 (бир) куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегирилсин ва ўташ учун иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 5 (беш) ой 27 (йигирма етти) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати И.Очилдиев жазо ўташни бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Фурқат туман ИИО Пробация гуруҳи инспекцияси зиммасига юклатилсин.

И.Очилдиевга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залидан озод қилинсин.

Жабрланувчи А.Акрамхоновга жиноят натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича
Бешариқ туман судининг раиси

О.Хасанов

